# QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 24 IYUL, PAYSHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№93 (6.618). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА




БЕБАҲО БОЙЛИК (1-3-саҳифаларда)

ПУЛГА СОТИЛАЁТГАН КЕЛАЖАК (1-2-саҳифаларда)

“КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...” (1-4-саҳифаларда)




### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июл куни Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги 12 йиллиги олдидан мамлакатимиз маданий ва илмий ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Кўп жилдли универсал Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг навбатдаги 5-жилди нашрдан чиқди.

● Самарқанд тиббиёт институтининг кўз касалликлари шифохонаси ҳузурида кўз касалликларини лазерли микрохирургия усули билан даволаш халқаро маркази ташкил этилди.

● Оҳангарондаги «Оҳангаронтемирбетон» очиқ акциядорлик жамиятида йиғма темир-бетон маҳсулотлар, темир-бетон устунлар билан бирга, бозор талабларига жавоб берадиган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида «Голливуднинг олтин асри» деб номланган плакатлар кўргазмаси очилди.

● Андижон вилояти Сил касалликлари диспансерида саломатлик ва соғлом турмуш тарзи мавзусига бағишланган кўргазма очилди.

● «Интер Роҳат» қўшма корхонасида (собиқ Қибрай пиво заводи) Германиянинг «Штайнекер» фирмаси мутахассислари иштирокида энг янги технологик ускуналарни монтаж қилиш ишлари бошланди.

● «Ўзкимошдисавдо» ихтисослаштирилган ташкилоти хорижий компаниялар ва ваколатхоналарга эркин муомаладаги валютага юқори ликвидли маҳсулотларни сотиш бўйича ким ошди савдосини ўтказди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорликда вояга етмаган тарбияси оғир болалар учун махсус ҳарбий-спорт оромгоҳи ташкил этди.



Каттақўрғонлик Ҳусниддин Шеров фермер бўлгач тилга тушди. У ғалла ҳосилдорлигини 55 центнерга етказди. Ўзига қолгани оз эмас, кўп эмас – 100 тонна.

-Э-ҳе, бунча буғдойни қаерга жойлайсан? – дейишди қўшнилар ҳайратга тушиб. “Ортгани қишлоқдошларимга, маҳалла ободончилигига” деди фермер.

СУРАТДА: Ҳусниддин Шеров.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

**“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

***Газетамизнинг шу йил 18 июл сонида “Ўт қўйганнинг қўли қачон синади?” сарлавҳали мақола чоп этилганди. Ушбу мақола юзасидан Чиноз тумани ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:***

## “ЎТ ҚЎЙГАННИНГ ҚЎЛИ ҚАЧОН СИНАДИ?”

“Мақола туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассислари, қишлоқ хўжалиги корхоналари тизимига кирувчи барча ташкилот раҳбарлари ва ширкат хўжаликлари раислари иштирокида атрофлича ўрганилди.

Тумандаги “Дўстлик”, “Чиноз”, “Ўзбекистон” ва Т.Эрназаров номли ширкат хўжалиги раҳбарлари А.Акромов, С.Зайнутдинов, Х.Кураматов ва Б.Эрназаровлар маъмурий жазога тортилдилар.

Келажакда бу ҳолни такрорламаслик тўғрисида барча ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди.

**Йўлдош ТОЖИБОЕВ,**
**Чиноз туман ҳокими”.**

## ОРОЛ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат ҳамда Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси агентлигининг Орол денгизи ҳавзаси ва GEF лойиҳаларининг амалга оширилишини бошқариш борасида қилинган ишлар тўғрисида сўз борди.

**АТИГИ ЮЗ САТР**

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ – ЕНГИЛ ДАРС ЭМАС

***Икки ойча илгари юқори синф ўқувчиларининг ажабтовур суҳбатини эшитиб қолгандим. Улар жисмоний тарбия дарси ҳақида менсимайгина гапиришаётганди. -Яхшиси, шу вақтда суратхонага бориб, расмга тушиб келамиз, - деди бир қиз синфдошларига.***

-Бўлди, келишдик. Енгил дарс-ку бу. Анави Жавлон, Мавлонлар стадионда тўп тепиб турса бўлди. Домланинг ўзи ҳам чинор тагида ўтириб журнал ёзади, - дея униси гапини қўллаб-қувватлади.

Бу гапларни эшитиб ўйга толдим. Ўсмирлар жиддий гапиришаётганди. Уларнинг “йил охирида устозга битта ош қилиб берсак, аъло баҳо қўйиб бераверади”, деган гаплари ҳам тўғри эди. Ҳақиқатан кўп қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарслари номигагина ўтилади. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам бу масалага панжа орасидан қараб келаётир. Бунга эса мураббийларнинг талабчан эмаслиги ҳам сабабчи. Улар шогирдларини спортга қизиқтиришга, бўш вақтларида турли спорт тўгаракларига жалб этишга ва машғулотларга махсус формада келишларига ҳам эътибор беришлари лозим-ку!

Навқирон авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг дарсдан кейин вақтларини мазмунли ўтказиш кўп жиҳатдан мактаб ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишларига боғлиқ. Яна тумандардаги аксарият мактабларда стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари қурилган бўлса-да, уларнинг таъмири ва жиҳозлари мутлақо талаб даражасида эмас. Яқинда Фарғона вилоятининг Охунбобоев тумани Пахтакор ва Янги ҳаёт қишлоқларидаги мактабларда бўлганимизда бунга амин бўлдик.

Маълумки, шу йил 4 июн куни Оқсаройда Президентимиз И.Каримов раислигида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Юртбошимиз республикамиздаги мактаб ўқувчиларининг 6,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланаётгани, мавжуд спорт иншоотларининг 30-40 фоизигина ишлаётганини ачиниш билан таъкидлади. Бундай ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш эса биринчи галда жисмоний тарбия ўқитувчилари, қолаверса, мактаб раҳбарлари ва халқ таълими бўлимлари мудирлари зиммасига ҳам масъулият юклайди. Чунки болаларни спортга ошно этиш учун озгина жонкуярлик керак, холос. Тайёр спорт иншоотларини машғулотлар ўтказиш учун яроқли ҳолатга келтириш ҳам унчалик қийин иш эмас. Хулоса шуки, жисмоний тарбияга иккинчи даражали дарс сифатида эътиборсиз қарашга чек қўйиш вақти келди.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**

## ПАХТАКОРЛАР КЕНГАШИ

***ҚАШҚАДАРЁ. (ЎзА, А.МУҲАММАДИЕВ). Қарши туманидаги Чўли ота ширкат хўжалигида вилоят қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят пахтачилигидаги бугунги аҳвол, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди.***

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бир неча кун давомида вилоят қишлоқ хўжалиги тизимидаги аҳволни ўрганиб чиққан республика ишчи гуруҳининг ахбороти тингланди.

Унда пахта далаларида етарлича кўчат ундириб олингани, бироқ жойларда ҳосил тўплаш кечикаётгани таъкидланди. Бир қатор хўжаликларда культивация сифатсиз ўтказилгани боис ғўзалар ривожи муддатидан кечикмоқда. Ғузор, Миришкор, Чироқчи, Яккабоғ туманларида ғўза минерал ўғитлар билан етарли даражада озиқлантирилмаган, ўз вақтида суғорилмаган. Бу айни гармсел пайтида ҳосилнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айрим туманларда кўсак қурти ғўзага жиддий зарар етказаяпти. Биолабораториялар иши талабга мутлақо жавоб бермайди. Миришкор туманидаги етти биолабораторияда атиги тўрт килограмм трихограмма тайёрланган. Бу тўрт минг гектар ерга етади, холос. Туманда эса 23 минг гектар майдонда ғўза парваришланмоқда.

Кенгашда вилоятда ғўза парваришини кучайтириш юзасидан тегишли ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.

Кенгашда вилоят ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

**ХУШХАБАР**



## КАТТА КАРВОН – МАРРАДА

***Қашқадарё вилояти дон етиштириш бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди. Шу боис унга катта карвон деб ҳам нисбат беришади.***

Куни кеча қашқадарёлик ғаллакорлар ҳам зафар маррасига етиб келишди. Улар қабул пунктларига 364 минг 700 тонна сара дон етказиб бериб, бу борадаги шартнома режасини бажардилар.

Бундай юксак натижани қўлга киритишда Қарши, Касби, Ғузор, Миришкор, Шаҳрисабз, Яккабоғ тумани ғаллакорлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Вилоятда ҳар гектар майдондан 40-50 центнер ва ундан ошириб хирмон кўтарган ижарачи ва фермер кўпчиликни ташкил қилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## “АСАД – ЭКИНИНГНИ ЯСАТ”

**ЖАРАЁН**

***Юртимизда асад ойи ҳам бошланди. Бу ойнинг хосияти катта. Чунки боғлардаги турли мева-ю узумлар шу ойда рангга киради-да. Қолаверса, асад ойи пахтакор учун ҳам ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Гарчи бу йилги ғўза ривожи ўтган йилгига нисбатан анча кечиккан бўлса-да, айни вақтда экинига эътиборни кучайтирган деҳқон ютади.***

-Асад ойида ғўзанинг сувига алоҳида эътибор қаратаман, - дейди гулистонлик бир деҳқон. – 20 гектар ерга пахта экканман. Бу озмунча майдон эмас, ахир. Кун иссиқ, ер тезда қуриб қолаяпти. Бу вақтда ғўзани чанқатиб қўйиш ярамайди. Агар салгина эътиборсизлик қилинса, сувсизлик оқибатида эндигина пайдо бўлаётган ҳосил тугунчалари нобуд бўлиши мумкин. Хўжалигимиз ҳудудидан ўтган арик-зовурларни эрта баҳордаёқ кўнгилдагидек қилиб тозалаб қўйгандик. Шу боис бизда сув муаммоси йўқ.

Бу деҳқоннинг фикри. Хўш, бу борада мутахассис нима дейди?

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори Р.Назаровнинг айтишича, бу ойда суғоришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундан ташқари, бегона ўтларнинг кўпайиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак.

-Асад ойида чуқур культивация ўтказиш мақбул эмас, - дейди у киши. – Чунки, ўсимликларнинг илдизи шикастланади. Шу боис механизаторлар мутахассис билан бамаслаҳат ишласа, ютади.

Ҳарорат кескин даражада кўтарилган бир пайтда, ғўзани чанқатиб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, бундай даврда ерда нам етишмай қолса, ҳосил тугунчалари ёппасига тўкила бошлайди, ғўза ривожи секинлашади, ҳосилдорлик камайиб, сифати пасаяди. Аммо, сув сарфини кўпайтириш ва узоқ суғориш оқибатида тупрокда нам кўпайиб кетишидан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Кўллатиб суғорилганда тупроқ ҳарорати кескин даражада пасаяди, унумдор қатлам берч бўлиб қолади.

Мана сизга мутахассис маслаҳати. Аслида-ку, ҳақиқий деҳқон маслаҳатга кўпам эҳтиёж сезмайди. Унга ундоқ қил, бундоқ қил, деб ақл ўргатиш ҳам шарт эмас. Қолаверса, зиммасига катта ниятлар ортмоқлаган деҳқоннинг кў-ў-ўп йиллик тажрибаси бор... Р.Назаровнинг ўгитлари айрим укуви камроқ кишилар учун, десак ўринли бўлар. Ҳар нима бўлганда ҳам, асад ойида қилиниши керак бўлган агротехник тадбирлар кўп. Гап бу юмушларни ўз вақтида, сифатли қилиб бажаришда. Ана шунда қайси экин тури бўлмасин, мўл ҳосил беради.



**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## ОНА ЗАМИН ҚАДРИ

***Одамзод ақлини таниганидан буён ер билан тиллашиб яшайди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, заминдорлар томонидан ҳосилдорликни кўтаришга интилишнинг кучайиши ўтмишда жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатган.***




Янги асрни илмий салоҳият, электроника даври, дейилаётганига қарамай ер-тупроқ ўзининг аҳамиятини заррача йўқотгани йўқ. Мустақиллик даврида эса ер ресурсларидан фойдаланиш янада устувор аҳамият касб этмоқда. Чунки собиқ тузум даврида қишлоқ одамлари колхоз ё совхоз ерида мардикордек ишлар, мулкдорлик деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Баъзи оилалар уй-жой қуриш учун зарур бўлган томорқани йиллаб ололмасди ҳам. Бугун-чи? Аҳвол буткул ўзгарган. Истиқлол туфайли аҳоли қўшимча томорқаларга эга. Қишлоқ хўжалиги тизимида ер ўз эгасини топиб бормоқда. Ер ресурсларидан самарали, замонавий тамойиллар асосида фойдаланиш масаласи эса бундан роппа-роса беш йил бурун Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган қўмита зиммасида.

(Давоми 3-бетда)

**ЖАРАЁН**

## НУРЧИ СУВЧИГА ҚАЙИШСА

***Минтақамиздаги глобал муаммолардан бири бўлган сув танқислиги мамлакатимизнинг аграр соҳасида доимо жиддий ташвишлар туғдириб келган.***

Кейинги ўн йилда ғалла мустақиллигини таъминлаш учун бошоқли дон экинлари майдонларининг кенгайтирилиши сувга бўлган талабни ҳам, унинг таъминотидаги танқислик таъсирини ҳам сезиларли даражада ошириб юборди. Бу ҳолат эса тириклик манбаи ҳисобланган неъматдан ниҳоятда унумли фойдаланишни, сувнинг ҳар бир томчисини ҳам исроф қилмасликни тақозо этаётир.

Илгари далаларимизда асосан пахта етиштирилар, ернинг шўрини ювишни айтмаганда, сув асосан баҳорнинг охири ва бутун ёз давомида талаб этиларди. Қолган пайт оби ҳаёт захирага тўпланар ва бир қисми Орол денгизига қуйилиб турарди. Ҳозир-чи? Суғориш юмушлари сал бўлмаса йил – ўн икки ой давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## АРАВА СУДРАЁТГАН ИСТЕЪДОД

**МУЛОҲАЗА**

***Ёшларнинг, хусусан, вояга етмаганларнинг бозор болаларига айланаётганининг сабаби моддий етишмовчилик эмас, балки айрим ота-оналарнинг ўз бурчларини нотўғри тушунишлари, узоқни кўра билмасликларидир.***

Бу фикрни инкор этишга шошилманг. Чунки бизнинг шундай хулосага келишимиз учун маълум вақт, кузатиш ва ўрганишлар керак бўлди.

Бугун қишлоқлардан ишсиз ёшларнинг шаҳарга келиб, (асосан пойтахтда) бозордан ризқини топишаётганини яхши биламиз. Аммо қуйида биз улардан фарқли ўлароқ нисбатан қулай шароитда яшаётган шаҳар ёшларининг айни ўқиш, изланиш даврида қайсидир маънода қора меҳнатга шўнғиб кетганликлари, интеллектуал салоҳият ўрнини ҳаммолликка алишганликларига туртки бўлган сабабни изладик.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманига қарашли “Shirin” деҳқон бозорида кичик журналистик тадқиқот ўтказдик.

(Давоми 2-бетда)

**МАВЗУ**

## ХОРАЗМГА БОРИБ ХИВОНИ КЎРДИМ...

***Франциянинг машҳур сиёсий арбобларидан бири Шарл де Голл “Хивани томоша қилмаган француз француз эмас”, деган экан. Демак, биз ўзбекларни гапирмаса ҳам бўлади.***

Қадим Хиванинг бетакрор осори атиқаларини томоша қилар эканмиз, ана шундай улуғвор диёрда яшаётганимиздан ғурурланиб кетдик. Хивани “Очиқ осмон остидаги музей”, дейишганича бор экан. Кўҳна Ичонқалъа - қадим Хоразм тарихининг тирик шоҳиди бағрида биз англаб етмаган не-не сир-синоатлар беркиниб ётибди. Қалъа ичида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган зиёратчиларни, хорижий сайёҳларни учратасиз.

Елкасига фотоаппарат осиб олган, сочлари елкасига тушиб турган манави жиккаккина қорамағиз йигит Япониядан келган экан. Ўзини Рикки Кодо, деб таништирди. Инглизча, русча, ҳатто ўзбекчани ҳам сал-пал биларкан. У билан тиллашишга унчалик қийналмадик.

(Давоми 4-бетда)

## ЗАМОН ТАЛАБИ – БОШ МЕЗОН

**ТАЪЛИМ**

***Мамлакат келажаги ҳар томонлама етук ва билимдон кадрларга боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.***

Шу боис бугун таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада, айниқса, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун асосида амалга оширилаётган ишлар катта самара бераяпти. Натижада ҳозир чекка жойларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қурилиб, ёшларимизнинг ҳунарли, илмли бўлишига шарт-шароитлар яратилмоқда. Косон туманидаги компьютер технология касб-ҳунар коллежи ана шундай илм масканларидан бири ҳисобланади.

Мазкур коллеж 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда саккиз мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Ёлғончилик ва макр – аҳмоқлар ва қўрқоқлар паноҳи.*

Ф.Честерфилд


“ҒАЛЛАБАНК” – ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН



**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ОСМОНДАН ЧАЛПАК ЁҒИЛМАЙДИ

БОРИНГИЗГА ШУКР, МАЛОҲАТ МАЛИКАЛАРИ!..

ТАБИАТНИНГ “ЯШИЛ САНИТАРЛАРИ”




# ТУРҒУНБОЙ «САНДИҚЧИ»

***Турғунбой отанинг етти пушти сандиқчи ўтмаган. Бироқ эллик йилдирки, таниш-билишлар унинг отига сандиқчи лақабини тиркаб чақиришади. Илгарилари бу лақаб унинг ғашига тегарди, эндиликда Турғунбой отанинг ўзи бунга кўникиб кетган.***

Кексалар бу лақаб тарихини кула-кула ҳикоя қилиб беришади.

Ўшанда, Турғунбой ота айни кучга тўлган, эндигина уйланган, навқирон пайтлари экан. Ўша кезлар қишлоққа ёшгина татар жувон кўчиб келади. Айтишларича, у илгари шаҳарда яшаган. Эри билан ораси бузилиб ажрашгач, шу қишлоққа келиб қолган экан.

Хуллас, Турғунбой ана шу жувон билан танишиб қолади. Ораларидаги муносабат кун сайин қуюқлашиб боради. Кунларнинг бирида ҳалиги аёл Турғунбойни меҳмонга таклиф этади. Нимадир сабаб билан, бу гапдан хабар топган икки-учта оғайниси Турғунбойнинг орқасидан тушишади.

Турғунбой эндигина дўппи-чакмонини қозиққа илиб, дастурхон атрофида ўтирганда эшик тақиллаб қолади. Чиқиб қараса, икки ошнаси остонада турибди. Икковиниям авзойи бошқача.

- Ҳа нима гап ўзи, - сўрайди ҳам ҳадик, ҳам таажжуб билан Турғунбой.

- Ўлдинг, Турғун. Бу ердалигингдан хотининг хабар топибди. Бирон жойга яшириниб ол, топиб олса, расво бўласан.

- А???

- Биз келганимизни билмасин. Тез бўл. Ана-ана, келяпти.

Турғунбой уйга кира солиб ўзини бурчакда турган сандиққа уради... Бир пайт у сандиқ ичида димиқиб ётган маҳали ташқаридан кучли қаҳ-қаҳа овози эшитилади. Аввалига, Турғунбой дамни чиқармай ётаверади. Кулгу тўхтайвермагач тоқати тугаб, сандиқнинг қопқоғини кўтаради. Не кўз билан кўрсинки, бояги иккита оғайниси қотиб-қотиб кулар, уй соҳибаси эса, нариги бурчакдан мажҳул кайфиятда мунғайиб турарди.

- Эй содда ўзбак, бекинган одам ковуш-маҳси-ю, дўппи-чакмонини ҳам гумдон қилади-да.

Маълум бўлишича, ошналари Турғунбойни яхшилаб «туширишмоқчи» бўлган экан. Шу-шу, Турғунбой бегона аёлнинг яқинига ҳам йўламайдиган бўлади. У қишлоқда эса «сандиқчи» деган ном чиқаради. Қизиғи, бунинг боисини ҳалигача кампири билмайди.

**Жаббор РУСТАМОВ**

# БЕХОСИЯТ ТЕЛЕФОН

***Одамлар орасида дув-дув гапга айланиб кетган бу ҳангомасифат воқеанинг пайдо бўлишига туман каттасининг бир ҳафтадан буён ишламаётган қўл телефони сабабчи бўлди.***

Нисбатан қолоқ "Соҳил" ширкат хўжалигига тезкор гуруҳ уюштирган туман ҳокими Тўра Қодирович соат ўнлар чамаси далаларни айланар экан, машинасидаги рация орқали бош вакил, яъни биринчи муовини Тоҳир Салиевнинг овозини эшитиб қолди:

-Алло, раис бува, биз Салим аканинг бригадасидамиз. Сиз меҳмонхонага бориб икки товуқ, икки "совуқ"ни тайёрлаб тураверинг.

Бориш вақти келишилгач, раис меҳмонхона ошпазига зиёфатга ҳозирлик кўришни буюрди. Белгиланган пайт муовин ҳам келиб эндигина иккинчи коса учун қадаҳ сўзи айтаётган пайтда қўл телефони жиринглаб қолса бўладими?!

-Эшитаман, - деди у гўё ишни қойиллатиб қўйган одамдай керилиб. Туман каттаси қўнғироқ қилганини билгач, овозини бироз пасайтириб хаёлига келган ёлғонни бaралла ошкор қилди.

-Ҳозир Салим аканинг даласидамиз. Бир соатдан сўнг қўшни бўлакка ўтамиз.

Ҳоким меҳмонхона залидан туриб, қўнғироқ қилган эди. Бундан бехабар бош вакил товуқнинг иккинчи сонини энди оғзига олиб борганида хонада ҳоким бува пайдо бўлади. Мулзам бўлган муовин "ўз аризасига кўра" вазифасидан озод қилинади. Эндиликда лавозимидан бўшаган "муовин"га телефоннинг жиринглаши кимдир устидан кулаётгандай эшитилармиш.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# СИНОВДАН ЎТОЛМАДИ

***Турди Сафарович тумандаги масъул лавозимлардан бирини эгаллаб турган раҳбар ҳузурига ўғли Бахтиёржонни олиб кирди:***

-Бизга шогирдлигингиз бор. Ёшимиз ҳам кетаяпти. Шу... ўғлимиз Бахтиёржонни танийсиз... уч-тўрт йилдан бери тажрибаси ошиб қолди. Бир қўлласангиз. Сиздан қувват олиб ишласа...

Раҳбар жим тикилди. Сўнгра деди:

-Бахтиёржонни баландроқ бир ишга қўямиз... Яхши... Аввал бир синаб кўрсак-а? – деб кулди у. Шу пайт эшик очилди. Салобатли ва пўрим кийинган бир киши кирди. Масъул раҳбар ўрнидан туриб, қучоқ очиб кўришди. Меҳмон пойтахтдан экан. Олий даргоҳнинг домласи.

-Хўш... Бахтиёржон... машинангиз бор-а?

-Ҳа-ҳа, бор...

-Меҳмонимиз, Нодир Абдусаматович... фан доктори! Катта олим! Бирга олиб юрасиз... Ҳам шу баҳонада синовдан ўтасиз... Нодир Абдусаматович сизни "яхши йигит экан" деса бўлди, вазифа тайёр...

Нодир Абдусаматович билан йўлга тушишди. Аввал Денов... Дўстлар давраси... Ундан Шўрчига... Гурунглар қизиди...

Домла тушликдан кейин ҳам ичди. Ногаҳон-да деди:

-Ў, кечқурун Шерободга, Сурхондарёга тўйига ҳайда! Бориш керак!

Бахтиёр ҳолдан тойган. Йиқилгудай. Уйқу босаяпти. Кайфи ошган Нодир Абдусаматович минғирлаб деди:

-Шер-обо-одга ҳа-ай-данг...

Бахтиёр жим чиқиб кетди. Уйга кўчадан телефон қилди:

-Дада, менга бошқа вазифа керак эмас. Ўша мактабдаги директорлигим ҳам бўлаверади...:

Отаси койинди:

-Мана, катта вазифага тайёр эмаслигингни кўрсатдинг... Уйга қайтавер болам...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

# ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВ

***"Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик" деган эзгу шиор айни пайтда ҳар бир андижонликнинг дилидан жой олган, десак муболаға бўлмас.***

Бугун Андижон ҳақиқатдан ҳам гулга бурканган. Гулга эмас, меҳрга тўлиб-тошган. Кўча четларида бир қарич ер йўққи, гул экилмаган бўлсин. Бундай ажиб манзара кўзни қувонтиради. Бир-бирига туташган гулзорлар турли ранглар касб этиб, ял-ял товланади. Ерга худди гуллардан гиламлар ёйилгандек. Бу гўзаллик маҳаллаларга, хонадонларга ҳам кўчгандай. Худди ҳар бир оила бу борада бир-бири билан баҳс бойлашгандек.



**ЖАРАЁН**

Вилоятда гул байрамининг "Обод маҳаллам- бўл яна кўркам!" шиори остида ўтказилаётганлиги "Обод маҳалла йили" билан ҳамоҳангдир. Яқинда ана шу мавзудаги оммавий тадбирлар Андижон, Асака ҳамда Қорасув туманларида ўтказилди. Ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Хуллас, шу кунларда Андижон анвойи гуллар оғушида. Қаёққа қараманг, гул. Гул гўзаллик тимсоли. Гўзалликнинг яратувчиси эса инсон. Шунинг учун ҳам инсоният унга интилиб яшайди. Гўзалликка талпиниш асосида эзгулик ётади. Гуллар эса инсонни эзгуликка чорлайди.



**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**
**Х.АРАББОЕВ олган суратлар.**

# НУРЧИ СУВЧИГА ҚАЙИШСА

(Боши 1-бетда)

Тўғри, баҳор серёғин ўтди. Ҳозир ҳам бир қарашда сув кўп, бу ҳолат сувни ҳуда-беҳудага сарфлашга имкон бермаслиги лозим. Чунки бугун тўлиб-тошиб оқаётган ариқ, сой эртага қуриб қолиши, сув танқислиги юз бериши мумкин. Бу илгари кўп кузатилган. Шу боис тажрибали мироблар баҳорнинг ёмғири, дарёнинг тошқинлигига шубҳа билан қарайдилар. Сувни исроф қилма, уни жамғариб қўявер, бепарво бўлма, дейишади.

Очиғини айтганда сувни тежаш борасида самарқандлик деҳқонлар анчагина тажрибага эга. Сабаби – республикамизда бир гектар экин майдонига ўртача 9-10 минг куб метр сув сарфланса, Самарқандда бу кўрсаткич 7-8 минг куб метрдан ошмайди. Айни паллада ҳам вилоятда суғориш билан боғлиқ ишлар қаттиқ назорат остида амалга оширилмоқда. Ҳукуматимизнинг 2002 йил 5 январдаги қароридан сўнг жойларда гидропостлар қурилиб, нодавлат ташкилот – сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилаётгани сув тақсимотидаги кўпгина муаммоларга чек қўймоқда. Республикада хизмат кўрсатган ирригатор Маҳмуд Йўлдошев ҳам СФУларнинг ўрнига катта баҳо беради.

-СФУлар ўзимизники, - дейди М.Йўлдошев. – Илгари хўжаликлар ичидаги сув тақсимоти талабга жавоб бермасди. "Қулоқ"нинг бошидаги майдон сувга тўйса, адоқдагиси қониқмасди. Эндиликда СФУлар суғоришни бир хилда таъминлайди, сув исроф бўлмайди.

-СФУлар жонимизга оро кирди, фаолиятидан биз жуда мамнунмиз, - дейди Каттақўрғон туманидаги "Оллоҳберди" фермер хўжалиги раиси Ҳамроқул Расулов. - Ўтган йиллари пахта ва ғалла экинларини минг азоб билан суғориб олардик. Биз учун жон қойитадиган мироб йўқ эди. СФУ - лимитдаги сувни беками-кўст беряпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Иштихон туманидаги Алишер Навоий номли ва Мурод Жўраев номли иқтисодий ночор, истиқболсиз ширкат хўжаликлари ерлари тўлиғича фермерларга бўлиб берилди. Бу ерларда СФУлар ҳам иш бошлаган.

-Ирригация-мелиорация ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши билан боғлиқ муаммолар энди ўз-ўзидан йўқолиши керак, - деб ҳисоблайди "Бешариқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси етакчиси Қосимжон Самиев. - Чунки илгари сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи турли етишмовчиликларни рўкач қиларди. Энди ҳамма иш шартномага кўра, адолатли тарзда бажарилади. Бугун ери "қулоқ"нинг охирида бўлган фермерлар ҳам ўз вақтида сув билан таъминланаяпти.

Афсуски, мироблару деҳқонларни қийнаётган катта муаммо бор. Бу электр энергиясининг бехосдан узиб қўйилишидир. Пастдарғом, Каттақўрғон, Иштихон туманларининг кўплаб хўжаликларида экин майдонларини суғоришда улкан сув насосларидан фойдаланилади. Албатта, бу насослар электр энергияси билан ишлайди. Электр ўчдими, бас, сув далага бормай қолади.

-Ачинарлиси, сув экин майдонининг ярмига бориб қолганда электр токи ўчиб қолади, шунда насосларни совутиб, қайта ишга туширишимиз учун 2-3 соат вақт талаб қилади, - дейди Каттақўрғон туманидаги "Жалойир" фермер хўжалиги соҳиби Ойдин Мирхолов. – Шу вақт ичида сув тупроққа шимилиб кетади. Насосларни қайта ишлатамиз. Натижада майдонларнинг ярми икки марта суғорилиб, ғўзалар ғовлаб кетади, қолган қисми эса сувга қониқмайди. Афсус, бу муаммони ҳал этиш учун СФУларнинг ҳозирча қўли калта.

Мутахассисларнинг айтишича, электр токининг кутилмаганда "ўчирилиши" нафақат сув исрофгарчилигига, балки ҳосил тақдирига, деҳқон манфаатига ҳам жиддий зарар кўрсатади. Энергетиклар "чекланиш" баҳонасида 100 сўмлик энергияни иқтисод қиламан, деб қишлоқ хўжалигига, истеъмолчиларга бир неча миллион сўмлик (қизиқ, бу ҳолатни ҳеч ким таҳлил қилмаяпти) зиён етказишаётир... Буни уларнинг ўзлари билишармикин?..

Ҳосилдорлик юқори бўлса, давлатга пахта ва ғаллани кўпроқ сотсак, деҳқоннинг рўзғори обод, пули кўп бўлса, бу шу замин саховати туфайли қаддини тик тутиб турган энергетиклар учун ҳам манфаатли эмасми?..

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***"Туркистон-пресс". Қорақалпоғистон Д.Абибуллаев хабар қилади. "Юлдуз" акциядорлик жамияти Манғит пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 66 фоизи Швейцария, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой ва Россия мамлакатларига жўнатилмоқда.***

# 66 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Корхона жорий йилнинг ўтган олти ойида режадаги 1 миллиард 584 миллион 100 минг сўм ўрнига 1 миллиард 585 миллион 210 минг сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Корхонада 2980 тонна тола, 4821 тонна чигит, 155-166 тонна момиқ тайёрланди. Акциядорлик жамият қошидаги тикувчилик, нотўқима мато ва хўжалик ватасини ишлаб чиқариш цехларида 58437 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Корхонада ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Кутубхона, чойхона, тиббий бўлим, тиш даволаш хонаси, мунтазам ишлаб турибди.

Жорий йилда тўрт ишчи-хизматчига сиҳатгоҳга йўлланма берилди. Шунингдек ишчиларга 586 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қариялар уйига 377 минг 299 сўмлик кўрпа-тўшак ва жилдлари тўплами ҳадя қилинди. Яқин кунларда бу ерда хўжалик совуни ишлаб чиқариш цехи ишга туширилади.

# "САҲРО КЕМАЛАРИ" КОНТРАБАНДАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

***Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ҳамда "Шуманай" божхона пости ходимлари томонидан яна бир контрабанда ҳаракатига чек қўйилди.***

**БОЖХОНА**

Ходимлар олинган маълумотлар бўйича "Каракалпакия" темир йўл станциясидан 85 километр узоқликда жойлашган Устюрт платасида ўтказган тезкор тадбирлари мобайнида Қозоғистон Республикасига кетаётган "Урал-4320" русумли автоуловни тўхтатиб, божхона кўригидан ўтказишди.

Текширув давомида аниқланишича, ушбу автоулов ҳайдовчиси, Қозоғистон Республикаси фуқароси, Тайгара ўғли Базаргали ўзи билан бирга ноқонуний равишда мамлакатимиздан умумий нархи 3 млн. 24 минг сўмлик 9 бош туяларни божхона назоратини четлаб олиб кетаётган экан. Аммо унинг бу ноқонуний ҳаракати божхона ходимлари томонидан вақтида фош этилди ва ушбу ҳолат бўйича ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Н.САЛОМОВ**



**Ғаллаороллик асаларичи Ҳайдар Қуржоновни туманда кўпчилик танийди. Чунки у ўзининг ҳалол меҳнати билан элга танилди.**

**СУРАТДА: (ўртада) асаларичи Ҳайдар Қуржонов шогирдларига ўз касбининг сирларини ўргатмоқда.**

Бурхон РИЗО олган сурат.

# АРАВА СУДРАЁТГАН ИСТЕЪДОД

(Боши 1-бетда)

Бозорда арава судраб пул топаётган тўрт нафар ўспириннинг ижтимоий турмуши, оилавий аҳволи, машғулот ва қизиқишлари билан танишдик, ўргандик. Бу болалар мактабни битирар-битирмас, кунини бозорда мижозларнинг молини ортиш, уни манзилга етказиш ва хизматга яраша меҳнат ҳақини олиш билан ўтказишади.

Дилмурод – 17 ёшда. Оилада икки фарзанднинг кичиги. Ота тумандаги йирик заводда ишчи, она нафақахўр. У икки йилдан буён бозорда арава судрайди. Ўзи айтғандай, топиш-тутиши ёмонмас, кунига ҳар ҳолда минг сўм атрофида даромад қилади. У истиқомат қиладиган "Югнаки" номли маҳалла оқсоқолининг таъкидлашича, Дилмуроднинг оиласини кам таъминланган, дея ҳисоблаш ноўрин. Чунки ота яхши маош, она узлуксиз II гуруҳ ногирони нафақасини олади. Тўнғич фарзанд – 18 ёшли қизи эса тикувчи. Содда қилиб айтганда, оиланинг даромад манбаи бор, хонадонга ташриф буюрган киши бу ердаги бекаму кўстликка, тўкин-сочинликка ҳавас қилади.

Дилмуроднинг оилавий аҳволи билан танишарканмиз, оқсоқолнинг таърифи ҳақиқат эканлигига иқрор бўлдик. Эҳтимол, Дилмуроднинг на ўқишга, на ҳунар ўрганишга уқуви йўқлиги боис бекор юргандан кўра шу меҳнат билан пул топаётгандир, дедик. Лекин ҳақиқатда...

Ота-онаси дастлаб биз билан суҳбатлашишни исташмади. Фақат "Ўғлингизнинг оилага бу тарзда кўмак бераётганидан қониқасизми? Унинг ўқишини истармидингиз?" деган саволимизга, онаси: "Ўқиб бизга дунё олиб берармиди?! Худога шукр, бекорчи безори болаларданмас ўғлимиз. Ҳар ҳолда ишлаб, пул топаяпти" дея жавоб берди. Ҳали вояга етмаган фарзанднинг "пул топиши"га қандай зарурат борлиги билан қизиққанимизда эса "Эрта-индин қиз чиқарамиз, буни ҳам уйлаш керак. Тўй қилиш осонмас. Сарпо йиғиш, мебел, дегандай. Эл ичида бировдан кам қилмаймиз. Бу ота-оналик бурчимиз", деди-ю ортиқ сўзлашишга рўйхушлик бермадилар.

Ўйлаб қоласан киши, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи шу мезон билан ўлчанадими?

Сўнг Дилмуродга "Келажагингни қандай тасаввур қиласан?" саволини берганимизда, ўспирин кўзини ерга тикди. Уялганидан сирли жилмайиб елка қисди.

-Ўқишга қизиқасанми? Мактабда қайси фанни кўпроқ яхши кўрардинг?

-Математикани!.. Ҳозир ҳам газета-журналлар сотиб олиб ўқийман, фақат жуда кам.

Дарҳақиқат, у таълим олган 256-мактаб ўқитувчилари билан суҳбатлашганимизда, ўспириннинг 9-синфга қадар аъло баҳога ўқиб келгани, тиришқоқлиги, айниқса, математика фани бўйича иқтидорлилар сафида тургани, афсуски, кейинги икки йил ичида деярли ўқишга келмай қўйгани, бунга сабаб унинг бозорда арава судраётгани эканлигини айтишди.

-Агар Дилмурод ўқишни давом эттирса, ундан яхши мутахассис чиқарди. У истеъдодли бола, - деди синф раҳбари бўлган Гулчеҳра опа.

Дилмуродга "институт ёки университетга кириб ўқишни хоҳлайсанми? Балки сендан зўр математик чиқар?.." деб савол берганимизда, у ота-онасига ўғринча қараб қўйди-да, эшитилар-эшитилмас "ҳа", дея жавоб қайтарди. Шу бир оғиз сўзда ўсмирнинг ҳаяжони, орзуси, армони омухталигини ҳис қилдик.

Қизиғи, қолган 3 нафар ўсмир – Санжар (15 ёшда), Ойбек (16 ёшда) ва Мансур (15 ёшда)ларнинг ҳам Дилмурод сингари мактабда аъло баҳога ўқишгани, уларнинг ҳам истеъдодли болалар сафида бўлишгани, шунингдек, оилавий шарт-шароитлари ҳам ночор эмаслиги, тўғрироғи, бу болалар ҳам таълим олишни давом эттириб, ўқиши ва изланишлари мумкинлигини билдик. Уларни ҳам аслида бозорга етаклаётган сабаб ота-оналарининг хоҳиш-истаги экан.

Агар таъбир жоиз бўлса, боласига бир дона китоб олиб беришга пулни кўзи қиймайди-ю, тўй-ҳашамларда бировлардан кам бўлмасликка интиладиган, иқтисодий қийинчиликни хаспўшлаб, аслида болаларининг келажагига хиёнат қилаётган бу тоифа ота-оналарнинг маънавий қашшоқлиги сабаб десак, хато саналмас.

Тўғри, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни тиламайди, унинг камолини истайди. Аммо дунёқараши, хоҳиш-истагидан келиб чиқиб фарзандларининг тақдирини белгилашга интилувчи ота-оналарнинг айримлари, эҳтимол, бугунги кунда аксари, юқоридаги сингари нохуш манзараларни яратаётганликларига қандай баҳо бериш мумкин? Ахир, бу ота-оналар ўз болаларининг ҳуқуқларини поймол қилишмаяптими?!

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 27-моддасида шундай дейилади: "Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга жавобгардирлар".

Хўш, молиявий имконияти доирасида боласининг таълим олишини таъминлашга қодир-у, лекин буни хоҳламайдиган ота-оналар қачон жавобгарлик ҳиссини англайдилар? Ахир фарзандга ғамхўрлик фақатгина уни яхши едириш, кийдириш ва дабдабали тўй ўтказиш билан белгиланмайди-ку!

Бир оилани биламан. Ота ҳам, она ҳам I гуруҳ ногирони, нафақахўр. Тўрт фарзандини шу нафақа ҳисобига ўқитдилар. Бу болалар бирин-кетин талаба бўлишди. Ҳозир ҳаммаси ҳам ўқиб, ҳам ўз мутахассисликлари бўйича иш билан бандлар.

-Янги кийим олиб бермадим, егин, деб оғзига хоҳлаган овқатини тутмадим. Лекин, ўқи, деб китоб тутдим. Етишмовчилик одамни қийнаб юборарди, лекин болаларга пул топинглар, деб кўчага чиқармадим. Мана, ҳозир энди ҳаммаси ўз йўлини топган. Икки ўғлим ҳатто "Умид" гранти асосида хорижда ўқиб келди, - дейди Мухтасар ая.

Балки фарзандини илмли қилишни хоҳлайди-ю, аммо шароит тақозоси туфайли бола вояга етмасдан жисмоний меҳнат билан пул топишига эҳтиёж сезаётган баъзи ота-оналар ҳам бордир. Аммо уларга ҳам ёлғиз хоҳиш билан муддаога эришилмаслигини, ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлаш ўринли, назаримизда.

Вояга етмаганларнинг жисмоний иш билан бандлиги ҳолатини бугунги кунда ҳатто ривожланган давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Бироқ бунда улар таълимни бир четга суриб қўйганлари йўқ. Аксинча, ўқиш доимо биринчи мақсад, бўш вақтда ёши, жинси ва соғлигига монанд иш қилиб пул топиш эса ўз кундалик эҳтиёжларини таъминлаш манбаидир.

Айтмоқчи бўлганимиз, болаларнинг рўзғорда ота-онага кўмак бераётганликларига қарши эмасмиз. Фақат ота-оналар ҳам болалари келажагини маърифат нурида чароғон кўришларини истардик.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# АЛДАШДАН ОСОНИ ЙЎҚ

## деган гап айрим раҳбарларнинг шиорига айланиб бормоқда. Бунинг сабаби нимада?

***Деҳқонобод Қашқадарёдаги чекка туманлардан бири ҳисобланади. Бунинг устига шаҳарлардан анча олисда жойлашган бу туманнинг халқ таълими соҳасида жуда кўплаб муаммолар тўпланиб қолаётир. Бунинг сабаби эса мутасадди раҳбарлар соҳа ривожига унчалик эътибор билан қарамаётганлигида. Айрим мисоллар келтира қолайлик.***

87-мактабда хорижий тиллар бўйича фан ўқитувчиси йўқлиги ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Ўқувчилар чет тилларини ўрганишдан бенасиб бўлиб қолишаётир. Мактабнинг кутубхонаси ҳавас қиладиган даражада эмас. Атиги 1500 дона китоб бор. Унинг учдан икки қисми дарсликлардан иборат. Бадиий асарлар жуда озлиги ачинарли. Ўқув даргоҳида дарслар тожик тилида олиб борилади. Бироқ кутубхонада бир номдаги тўртта тожикча китоб бор, холос.

Спортга эътибор эсдан чиқариб юборилган. Спорт залининг пойдевори энди ташланган. Спорт анжомлари йўқлиги ўқувчиларни хафа қиляпти. Директор Гулбаҳор Отамуродованинг фикрига қараганда, туман халқ таълими бўлими мудири Неъмат Бозоров билан бош ҳисобчиси Абдусаттор Жумаевлар юқоридагидек аҳволга бепарво.

**ТААССУФ**

Тумандаги 62-мактабда бўлганимизда муаллимлар бир қулоч хатни қўлимга тутқазишди. Ундаги ёзувларни айнан кўчирсак муаммолар илдизи нимада эканлиги янада ойдинлашади.

"1. Деҳқонобод туман "Пахта Банк"и бошқарувчиси Абдуҳамид Пўлатовнинг айби билан апрель, май, июнь ойидаги иш ҳақини олганимиз йўқ. Ёзги таътил пуллари ҳам кечикиб кетди.

2. Спорт зали йўқ.

3. Мактаб атрофи девор билан тўсилмаган.

4. Волейбол, футбол сеткалари (тўрлари), тўплари ва бошқа спорт асбоб-анжомлари йўқ. Шу сабабли теннис, футбол, волейбол, баскетбол, баландликка сакраш ва бошқа мусобақалар орзулигича қолмоқда.

5. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Мустафо Ёқубов пул йўқ, деган баҳонада фан кабинетларини жиҳозлаш учун парта, стол, стул, юмшоқ ўриндиқлар, ошхона жиҳозлари, совутгич, компьютерлар бермаяпти.

6. Мактабнинг иситиш тармоғи ишламайди. Бунинг устига синфхоналарга печка ўрнатиб бўлмайди. Шу сабабли ўқувчилар қишда совуқдан роса қийналишади. Иссиқ кунлари эса кондиционер анқонинг уруғи.

7. Қурилиш ташкилоти бошлиғи Баҳодир Умиров лойиҳа-сметадаги ишларни тўлиқ бажармаган. Бунинг устига қурилиш сифатсиз амалга оширилди. Йўлакчалар йўқ. Мактаб дарвозаси ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрилмади. Ободонлаштириш ишлари ўлда-жўлда. Ҳокимнинг қурилиш ишлари бўйича муовини Холмурод Кенжаевга мурожаат қилдик. Лекин камчиликлар умуман тузатилмаяпти."

Шунақа гаплар. Муаммолар қалашиб қолган. Уни ҳал қиладиган мардлар топилиши эса қийин кечаяпти.

Мактаб директори Абдимурод Қурбонов куйинчак, елиб-югуришни хуш кўрадиган одам. Аммо, унинг чопгани ҳеч нарсани ҳал қилмаяпти. Адабиёт муаллими Хуррам Жовлиевнинг айтишига қараганда, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ўқитувчиларни ранжитмоқда. Чунки, улар таътилга чиқишганига қарамасдан бирор жойга бориб дам олиб келишга маблағлари йўқлигини айтишди.

Эҳтимол, тумандаги айрим мактаблардаги бундай аҳвол вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рустам Ражабовга маълум эмасдир. Балки улар муаллимларнинг ҳақли талабларини инобатга олишиб, зарур чоралар кўришар. Нима бўлганда ҳам муаллимлар яна алданиб қолишмаса бўлгани.

**Жовли ХУШБОҚ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ОНА ЗАМИН ҚАДРИ

(Боши 1-бетда)

Ер ресурслари Давлат қўмитасининг бугунги фаолияти, соҳадаги ютуқ ва муаммолар ҳақида мазкур қўмита раиси Эргашали Қурбонов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

-Дунёда ўзбекчалик ерга меҳр қўйган, тупроқни кўзига тўтиё қилган халқ бўлмаса керак. Ота-боболаримиз она заминни эъзозлаш ҳақида бежизга қайғурмаганлар. Инсонни тўйдирадиган, устини бут қиладиган ҳам шу тупроқ. Афсуски, яқин ўтмишда бу азалий одатлар унутилди, оқибат унумдор ерлар шўрланиб кетди, ер ресурсларига беписанд муносабатда бўлинди. Ана шундай шароитда кичик бир бошқармага қўмита мақоми берилиб, унинг жойларда бўлинмалари ташкил этилди. Очиғини айтганда, беш йил оз муддат эмас. Аммо республикамиз ер фонди 44 миллион 410 минг гектардан ортиқ эканлигини, унинг ҳар бир қаричини баҳолаш, тадқиқ этиш, хариталар яратиш зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, қўмита зиммасидаги масъулиятни тасаввур қилиш мумкин.

Очиғи, республика Олий Мажлиси томонидан ер муносабатлари ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ қонунларнинг қабул қилиниши бизга катта имкониятлар берди. Қўмита томонидан бугунгача 70 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ердан самарали фойдаланиш борасидаги тарғибот ишларини ҳам йўлга қўйганмиз. Чунки биз учун энг муҳими ерни ижарага олиб ишлаётган киши у деҳқонми, ширкат раисими ёки корхона раҳбарими аниқ билиши лозим, ер олтиндан қиммат, ундан хўжасизларча фойдаланиш нонни увол қилиш, ўз ризқу насибасини қийиш билан баробар. Афсуски, кўпчилик ҳолатларда мутахассисларимиз ачинарли ҳолатларга ҳам дуч келишади. Масалан, кейинги бир йил ичида бир ярим мингдан ортиқ қоидабузарлар аниқланди. Улар орасида оддий деҳқондан тортиб тажрибали раис, корхона раҳбаригача бор. Сабаб? Давлат сизга барча имкониятни берган бўлса, Президентимиз мулкдор бўлинг, фермер бўлинг, яхши, ҳалол ишланг, бой бўлинг, сизни ўзим ҳимоя қиламан деб турган пайтда шундай қонунбузарликка қўл ураётганларни тушуниш қийин. Айбдорларнинг аксарияти турли баҳоналарни рўкач қилишади, индамайгина жарима тўлаб кетадиганлари ҳам бор. Бундан ташқари баъзи ҳолатларда ердан самарасиз фойдаланиш қатори бировнинг даласини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш сингари ҳолатлар ҳам оз эмас. Масалан, ургутлик фермер У.Тугалиев, Амир Темур номли ширкат хўжалигининг 1 гектар ерини, нурободлик К.Умаров "Сахоб ота" ширкат хўжалигининг 3 гектар, У.Раҳмонов "Олға" ширкат хўжалигининг 5,6 гектар, Н.Хушбоқов "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг 3,5 гектар ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. Мутахассисларимиз мазкур ҳолатларни аниқлаб, айбдорларга жарима солишди, ер эса эгаларига қайтарилди. Хўш, ўзганинг ерига кўз олайтирган кимса нима наф кўрди? Ҳам жарима тўлади, ҳам юзи шувит бўлди. Биз жойларда бўлганимизда аҳолига масаланинг худди шу жиҳатларини айтаяпмиз. Чунки ер ширкатники экан, уни кимдир эгаллаб оладиган бўлса, энг аввало ширкат етакчиси, қолаверса пайчилар бунга йўл қўймаслиги лозим.

Нега шу қишлоқда яшовчи киши қўшнисининг ерига кўз олайтириши керак? Ахир ўша қўшнинининг ҳам рўзғори, бола-чақаси бор-ку? Унинг ўрнига мавжуд майдонга гўнг чиқариб, ҳосилдорликни оширинг. Ана шунда 10 гектарнинг ҳосили 4-5 гектардан ҳам чиқади. Ё ташландиқ жойни олинг, фермер бўлинг, ишлаб мўъжизалар яратинг. Ҳамманинг раҳматини эшитасиз.

Фермерлик ҳақида гап кетганда яна бир мулоҳазам бор. Бугун ерни яшнатиб, катта даромад олаётган бой фермерларимиз кўп. Отасига раҳмат уларнинг. Аммо ерни эплолмаётганлар-чи? Зомин туманидаги "Ўткир" фермер хўжалиги соҳиби 20 гектар ерни ўз вақтида шудгор қилолмаган. "Мирбобо" фермер хўжалиги эса ўзига топширилган даланинг мелиоратив ҳолатига эътибор бермаган. Оқибат ҳар икки пайкалдан ҳам фермерлар зарар кўраяпти. Энди айтинг-чи, ерга ишлов беришдаги биринчи тадбир бўлмиш шудгорни кечиктирган фермерлар асл деҳқонми? Нега унга ер берилди? Техникасиз бўла туриб фермерликка даъвогарлик қилиш ўринлимикин? Кўпинча хўжалик техника бермаяпти, МТПнинг тракторига навбатда турибман, деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу баҳоналар билан яшаб бўларканми? Экскаватор масаласи ҳам шундай. Менимча, ориятли одам бир ишга қўл урдими, орқага чекинмайди. Куйиб-пишиб ишлайди, даромаду бойлик ҳам ақлли одамнинг қўлида тўпланади. Назаримда, ерни қўлидан иш келадиган кишиларга 5-10 гектар эмас, 50-60 ва ундан ҳам кўпроқ қилиб бериш лозим.

Нега масалани мана шундай кўндаланг қўяяпмиз? Сабаби юртимизда ер ресурслари, хусусан суғориладиган ерлар ҳажми чекланган. Шу йилнинг 1 январ ҳолатига республикамизда 4 миллион 278 минг гектар суғориладиган ер бўлиб, шундан 3 миллион 307 минг гектари ҳайдаладиган ерлардир. 323 минг 100 гектар боғ, 500 минг 900 гектар томорқа ерлари мавжуд. Турли сабабларга кўра катта майдонлардаги ерларнинг унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги ҳам бор гап. Суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича чоралар кўрилаётганига қарамай, 287 минг 766 гектар ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган. Ҳар хил даражада шўрланган 128 минг 77 гектар майдон, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, қисман Хоразм, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган. Шу сабабли мутахассисларимиз жойлардаги раҳбарлар билан ҳамкорликда асосий эътиборни тупроқ шўрланишини камайтириш, сизот сувлари сатҳининг кўтарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик экинларига чучук сув бериш масалаларига қаратаяпти.

Умуман олганда ер илми жуда мураккаб соҳа. Буни шўрланишни камайтирайлик, ариқ-зовурларни қазайлик деган гаплар билан тўлиқ изоҳлаб бўлмайди. Шу боис кадастр ҳақидаги ҳукумат қарорининг эълон қилиниши ишларимизни янги босқичга кўтарди. Натижада "Ўздаверлойиҳа" илмий-лойиҳалаш институти шу йўналишда ўтган йил қарийб 200 миллион сўмлик иш бажарди. Аэрофотосъёмка ишлари Хоразм ва Андижон вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Наманган вилоятининг бир қанча туманларида замонавий тарзда амалга оширилди. Давлат Ер кадастри китоби, Ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқини белгиловчи ва ерни рўйхатга олувчи реестр китоблари, ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг чоп этилиши ижобий ҳолатдир. "Геоинформкадастр" унитар корхонаси томонидан қисқа фурсатда "Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари Атласи" тайёрланди. Шу билан бирга рақамли хариталар яратиш, ер ахборот тизимини автоматлаштириш тамойиллари яратилди. Шунга асосан Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг бир неча туманларида автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш бўйича тажриба ишлари олиб борилмоқда. Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, марказдан тортиб олис туманларгача модем алоқасини ўрнатиш, ахборот узатишнинг тез ва аниқ тизимига ўтиш галдаги вазифалардир. Умумий ишни янада сифатли бажариш учун эса чуқур билимга эга бўлган, республикада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушунадиган юқори малакали мутахассислар зарур. Уларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш тизим олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Бугун юқори малакали ер тузувчи, хариташунос, тупроқшунос ва агрокимёгарларни катта ишлар кутиб турибди. Бу мутахассисларни тайёрлаш Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригация институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат аграр университети ва бир қатор вилоятлардаги олий ўқув юртларида амалга оширияпти. Қўмитамиз мазкур олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ишлайди. Юқори курс талабалари бизнинг тизимимиздаги илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтларида ишлаб чиқариш амалиётларини ўтаяпти. Бу албатта етарли эмас. Қўмита тизимида ер тузувчилар, хариташунос мутахассислари тайёрлашга йўналтирилган коллеж ташкил этилишини даврнинг ўзи талаб этяпти. Бу ҳам қонун-қоидани, ҳам хариташунослик, кимё, тупроқ муаммоларини яхши биладиган мутахассислар тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, ердан фойдаланишни бошқариш, ерга оид қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, кадастрни юритиш, замонавий хорижий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш юқори малакали кадрлар – фан номзодлари ва докторларни тайёрлашни янада кучайтиришни тақозо этади. Қўмитамиз тизимида бугунги кунда 8 нафар фан докторлари, 30 дан ошиқ фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Тупроқшунослик ва агрокимё институти қошида фан номзодлари ва докторлари илмий даражасини олиш учун диссертация ишларини ҳимояга қабул қиладиган ихтисослашган кенгаш мавжуд. Лекин, ер тузиш мутахассислиги бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари бўйича ихтисослашган кенгашнинг республикада йўқлиги мазкур ихтисослик бўйича илмий ходимларни тайёрлашда муаммолар туғдирмоқда.

Шунга қарамай биз етакчи мутахассисларимизни хорижий мамлакатларга ер кадастри, ердан фойдаланишнинг илғор услублари билан танишиш учун хизмат сафарларига жўнатаяпмиз. Бу ҳам яқин келажакда ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ ёзиб олди.**

**Қамаши туманидаги "Ғиштли" ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил 372 гектар майдонда ғалла парваришлаган эдилар. Белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги эвазига далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Натижада давлатга ғалла сотиш бўйича шартномада белгиланган 700 тонналик режа ортиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик гектарига 40 центнердан зиёдни ташкил қилди.**



**СУРАТДА: хўжалик раисининг муовини Абдумурод Маматов (ўртада), бош пудратчи Акбар Ибрагимов ва "Кейс" оператори Ўктам Ҳусаинов билан суҳбатлашмоқда.**

**А. ПАРДА олган сурат.**

# "ҚАЙТМАС"НИНГ ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

***Йил деҳқончилик учун анча қулай келди. Кўп қатори пойтахт вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани деҳқонлари ҳам бу табиий имкониятдан самарали фойдаланишди.***

Тумандаги "Қайтмас" ширкат хўжалигининг фаолияти билан танишиш жараёнида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

**ИБРАТ**

Мазкур хўжалик тумандаги энг илғор ширкатлардан бири саналади. "Қайтмас"лик ғаллакорлар бу йил 221 гектар ердан белгиланган 645 тонна ўрнига давлатга 675 тонна сара дон топшириб, шартномавий режани биринчилар қаторида 104 фоизга бажаришди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 46,5 центнерни ташкил этмоқда.

-Бу рақамлар ортида заҳматкаш пудратчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари ётибди, - дейди ширкат хўжалиги раиси Алишер Ҳикматов. – Халқимизда "Ишлаган тишлайди", деган нақл бор. Ҳосил етиштириш учун йил бўйи тер тўкканларнинг ҳалол меҳнатини муносиб қадрлаш лозимлигини ҳисобга олиб, 80 гектар ердаги ғалла ширкат аъзоларига тарқатиш учун ўриб-йиғиб олинмоқда.

Хўжалик пахтачиликда ҳам туманда ўзига хос мавқега эга. Жорий йилда мавжуд 607 гектар экин майдонининг 367 гектарида пахта етиштирилмоқда. Ғўза ниҳолларини парваришлаш билан боғлиқ агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда.

-Бу йил пахта ҳосилдорлигини янада ошириш учун ҳаракат қиляпмиз, - дейди ҳосилот Жўра Мусаев, - бу йил давлатга 970 тонна "оқ олтин" топширишни режалаштириб қўйганмиз. Далаларимизга асосан ҳар томонлама синовдан ўтган "Наманган-77" ғўза навлари экилган. Бу нав бизнинг иқлим шароитимизга ҳар томонлама мос.

"Қайтмас" ширкат хўжалигидаги ишлар эътиборга лойиқ. Хўжалик аъзоларига ғайрат-шижоат, фақат олға интилиш, бир қадам ҳам ортга чекинмасликни тилаб қоламиз.

**Х.ШАМШИЕВА**

# ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР

***Миразиз Миртурсунов эллик йилдан кўпроқ вақт мобайнида жамоа хўжалигида меҳнат қилди.***

Кўпни кўрган отахон бугун ўғли Мираҳмад Миртурсуновга маслаҳатчи. Ўғил отадан ўрганиб, ерга меҳр қўйиб, сидқидилдан фаолият кўрсатмоқда.

-Отам номини улуғлаб, хўжалигимизни "Миразиз" деб номладик, - дейди Тошкент тумани Навоий номли ширкат ҳудудида жойлашган ушбу фермер хўжалиги раҳбари Мираҳмад ака. – Халқимиз азал-азалдан ерга алоҳида меҳр билан қараган. Ер тирик жон учун – ризқ-насиба. Унда астойдил меҳнат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмаган. Етти йилдан буён қарийб етти гектар ер майдонида меҳнат қилаяпмиз. Буғдой, картошка, карам, сабзи, помидор етиштирамиз.

Даромад меҳнатга яраша. 2002 йили ғалладан 56 центнер, сабзидан 200 центнер, картошкадан эса 160 центнердан ҳосил кўтардик. Оиламиз иқтисодини яхшилаб олдик. Меҳнатнинг орқасидан машина, трактор олдик, иморат қуриб, тўйлар қилдик.

**МУЛКДОР**

Мираҳмад Миртурсуновнинг айтишича, ер ҳақиқий эгасига, яъни унинг тилини тушунадиган меҳнаткаш кишига берилсагина олға силжиш бўлади. Ҳозир шофёр ҳам, ўқитувчи ҳам, умуман ерни тушунмайдиган бошқа киши ҳам деҳқончилик билан шуғулланмоқчи бўлади. Уларнинг баъзилари ердан қандай фойдаланишни билишмайди. Уларни кўпроқ пул қизиқтиради. Ваҳоланки, меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Мираҳмад ака сув кўрмай туриб, этик ечмайдиганлар хилидан. Ҳисоб-китоб масаласини дангал ҳал қилади. Алдамайди. Шунинг учун мижозлари кўп. Тумандаги кўплаб мактаб, болалар боғчаси ва ошхоналарни картошка, пиёз, карам сингари сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб турибди.

-Ҳар ойда бир марта деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллигида йиғилишимиз бўлиб ўтади, - дейди у. – Йиғилишга солиқ, банк ходимлари ва институт олимлари ташриф буюришади. Саволларимизга жавобни мутахассисларнинг ўзларидан эшитамиз.

Дарҳақиқат, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлишида мана шундай фермерларнинг ҳиссаси катта. Ниятимиз - иши сўзига мос шундай фермерлар сафи кўпаяверсин.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!**

*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги*

**EFFEKTIV OIL**

хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда

**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларини**

СОТИБ ОЛАДИ

Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.

Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**

**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**

**Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.**

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли "Сувиншоотмаш" – сув иншоотларини юргизиш, мелиорация машиналари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхоналари уюшмаси тугатилади.*

*Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.*

*Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ш.Абзалов кўчаси, 7-уй.*

*Телефонлар: 144-07-62; 144-01-78*

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**



*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*

**Мурожаат учун телефонлар: 152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

## СООБЩЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ВНЕОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

# ОАО "ИНВЕСТИЦИОННЫЙ ФОНД РАЗВИТИЯ"

от 24 июня 2003 года

Порядковый номер сообщения – 07

Наименование существенного факта: **наступление даты закрытия реестра.**

Фирменное наименование эмитента: **Открытое акционерное общество "ИНВЕСТИЦИОННЫЙ ФОНД РАЗВИТИЯ"**

Место нахождение: **700185, г.Ташкент, ул.Дружбы Народов, 100.**

Дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг: **26.05.2003 г.**

Порядковый номер сообщения – 01

Наименование существенного факта: **реорганизация эмитента, его дочерних и зависимых предприятий и организаций.**

Фирменное наименование реорганизуемого юридического лица: **Открытое акционерное общество "ИНВЕСТИЦИОННЫЙ ФОНД РАЗВИТИЯ".**

Место нахождение: **700185, г.Ташкент, ул.Дружбы Народов, 100.**

Способ реорганизации: **преобразование в Открытое акционерное общество Инвестиционная компания "FINANCE CITY".**

Уполномоченный орган, принявший решение, являющееся основанием реорганизации, и дата его принятия: **Решение внеочередного Общего собрания акционеров ОАО "ИФР" от 24 июня 2003 года.**

Дата реорганизации: Решение Хокима Чиланзарского района № 1203 от 1 июля 2003 года.

Порядковый номер сообщения – 09

Наименование существенного факта: **решение общих собраний.**

Вид общего собрания: **внеочередное.**

Форма проведения общего собрания: **очная.**

Дата проведения общего собрания: **24.06.2003 г.**

Место проведения общего собрания: **г.Ташкент, ул.Дружбы Народов, 100.**

Кворум общего собрания: **272481 штук голосующих акций, 77,85 % голосов.**

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

штук голосующих акций

| № | Вопрос по повестке дня | за | против | воздержался |
|---|---|---|---|---|
| 1 | О реорганизации Открытого акционерного общества "Инвестиционный фонд развития" в Акционерное общество открытого типа "Инвестиционная компания "FINANCE CITY» | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 2 | О дальнейшем развитие взаимовыгодного сотрудничества с Управляющей компанией "MOLIYAINVEST" | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 3 | Утверждение Устава АООТ ИК "FINANCE CITY" | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 4 | Утверждение Положений о Наблюдательном совете и правлении АООТ ИК "FINANCE CITY" | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 5 | Выборы членов Наблюдательного совета и Председателя правления АООТ ИК "FINANCE CITY" | X | X | X |
| | Сайфуллаев Нурилла Нигматович | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Усманов Кабулджан Ахмедович | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Соколов Вячеслав Васильевич | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Хачиева Наталья Михайловна | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Сагдиев Нурилла Патхуллаевич | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Зиятов Нодиржон Тахирович (Председатель правления) | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 6 | Выборы членов Ревизионной комиссии | X | X | X |
| | Алимов Адхам Ахмадович | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Арипов Карим Уткурович | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| | Юнусходжаева Зулхумор Адылджановна | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 7 | Утверждение контрактов с НД "ВАКТ" и с аудиторской фирмой "ЦИАР-АУДИТ" | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 8 | Утверждение бизнес-плана производства активированного угля | 272481 (100 %) | 0 | 0 |
| 9 | Разное | X | X | X |

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## САДДАМНИНГ ЎҒИЛЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

***Ироқ шимолидаги Мосул шаҳрида ўтказилган махсус операция чоғида Саддам Ҳусайннинг ўғиллари 39 ёшли Удей ва 37 ёшли Кусейлар йўқ қилинган.***



Маълум бўлишича, ушбу шаҳарда яшовчи маҳаллий киши томонидан берилган манбага таяниб АҚШнинг 101-ҳаво-десантчилари дивизияси ва махсус кўрсатмалар бажарувчи бўлинмаси аскарларидан иборат 200 кишилик қўшин Саддам Ҳусайннинг ушбу шаҳардаги қариндоши Наввоф Зайдоннинг уйини қуршовга оладилар. Вертолётларнинг ракета ҳужуми кўмагида ўтказилган 4 соатлик операциядан сўнг уй ичидан 4 кишининг жасади олиб чиқилган. Ҳозирда Бағдодга келтирилган жасадлар ДНК жиҳатдан ўрганилаётган бўлиб, уларнинг бирининг оёқ қисмидан ўқ асорати саналган чандиқ топилган. Мутахассисларнинг фикрича, Саддамнинг катта ўғли Удейга 1996 йилнинг 12 декабр куни уюштирилган суиқасд вақтида автоматдан отилган ўқлар туфайли оёғининг саккиз жойидан жароҳат олган эди. Ушбу чандиқлар ўшанинг белгиси бўлиши керак. Шунингдек, операция вақтида Саддам Ҳусайннинг 14 ёшли набирасининг ҳам ўлганлиги айтилмоқда. Сўнгги пайтларда ўз аскарларига қарши кўплаб ҳужумлар уюштирилаётган Қўшма Штатлар операциянинг муваффақиятли кечганлигини кенг нишонлашди. У ҳақда Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд президент Жорж Бушга ҳисобот ҳам берди. Собиқ диктаторнинг ўғилларини ушлашда ёки йўқ қилишда кўмаклашган кишига (Удей ва Кусейнинг ҳар бири учун 15 миллион доллардан) катта миқдорда пул мукофоти эълон қилинган бўлиб, уларнинг ўлдирилишлари Саддам Ҳусайн ва собиқ Баас партияси учун кучли зарба бўлди, дея айтилмоқда.

Оқ уйнинг 55 кишилик "қора рўйхат"ида оталаридан сўнг иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ака-укаларнинг каттаси дадасининг даврида "Саддам федеинлари" ҳарбий тузилмасига ва миллий олимпия қўмитасига бошчилик қилган эди. Пентагоннинг тахминича эса уларнинг оталари Саддам Ҳусайн тирик ва мамлакат ичкарисида яшириниб юрибди.

## ЛИБЕРИЯ: ҚУРБОНЛАР СОНИ 600 ДАН ОШИҚ

***Либерия ҳукумат қўшинлари ва исёнчилари ўртасида юз бераётган тўқнашувлар туфайли ҳозирга қадар 600 дан ошиқ киши ҳалок бўлди, дея айтган мамлакат мудофаа вазири Даниэл Чи.***



Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари эса биргина пойтахт Монровида исёнчиларнинг миномёт ҳужумлари натижасида тинч аҳолидан 100 га яқини ўлганлигини урғуламоқдалар. Ғарбий Африка давлатлари эса Либерияга тинчликпарвар кучлар киритиш бўйича учрашув ўтказган бўлсалар, БМТ бош котиби Кофи Аннан АҚШ президенти Жорж Бушдан Либерияга қўшин жўнатишни сўраган. Ҳозирда Вашингтон ўзининг 4,5 минг аскарини Монровига юборишни режалаштирмоқда.

## ЭЙФЕЛ МИНОРАСИДА ЁНҒИН

***Париждаги Эйфел минорасида ёнғин юз берди, дея хабар қилади "Рейтер" агентлиги. Манбаларга кўра, миноранинг теле ва радио жиҳозлар ўрнатилган техник қаватида қисқа туташув натижасида ёнғин келиб чиққан.***



Шундан сўнг дарҳол етиб келган ёнғин ўчирувчи вертолёт ёрдамида хавф бартараф этилган. Ёнғин бошланиши билан минорада турган сайёҳлар ва ходимлар эвакуация қилинганлар ва ҳеч ким жабр кўрмаган. 1889 йил инженер Гюстав Эйфел лойиҳаси асосида қурилган баландлиги 324 метрли Эйфел минорасига ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан 6 миллиондан ошиқ сайёҳлар келишади. Умумий оғирлиги 10 минг тоннани ташкил этадиган Эйфел минораси 18 минг дона алоҳида темир қисмлардан қад кўтарган бўлиб, унга сарфланган маблағ 1,5 миллион долларга етган эди. 6 қаватдан иборат миноранинг юқори қисмидаги уч қавати техник зона саналади. Эйфел минораси 1930 йил Нью-Йоркда "Chrysler" биноси қурилгунига қадар дунёдаги энг баланд бино саналган эди.

## СИАМ ЭГИЗАКЛАРИ ОПЕРАЦИЯДАН ЯХШИ ЧИҚДИЛАР

***Сингапурдаги "Raffles" клиникасида Жанубий кореялик 4 ойлик сиам эгизаклари операция қилиниб, бир-биридан ажратилган.***



Бел қисмлари бирлашиб кетган қизалоқларнинг аҳволи ҳозирда қониқарли бўлиб, соғайиб кетишларига 85 фоиз ишонч билдирилмоқда. Улар энди операциянинг "пластик" деб номланувчи чиғириғидан ҳам ўтишлари керак. Фарзандларининг бир-биридан мустақил яшашлари учун уларнинг оталари ўзининг интернет-кафесигача сотиб, операция учун 28,5 минг АҚШ доллари тўлаган. Ушбу ой аввалида эса эронлик 29 ёшли сиам эгизакларини айнан "Raffles" клиникаси шифокорлари операция қилган эдилар. Бироқ, муваффақият 50 фоиз даражада кутилган эса-да, Теҳрон университетининг журналистика ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича талабалари бўлган Ладан ва Лалехлар ҳаётдан кўз юмган эдилар. Айнан Ладан ва Лалехлар Жанубий кореялик эгизакларнинг ота-оналарига фарзандларини операция қилдиришлари лозимлигини таклиф этган эдилар. 2001 йилнинг ноябр ойида Непал давлатидан келган 1,5 ёшли эгизаклар ҳам "Raffles"да ўтказилган операциядан муваффақиятли чиққан эдилар.

## КАШМИРДА ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

***Кашмирдаги Ҳиндистон ҳарбий базасига ислом жангарилари томонидан уюштирилган ҳужум вақтида 7 нафар ҳинд аскари ҳалок бўлди, дея хабар беради BBC News.***



Шунингдек, 10 дан ортиқ аскар жароҳатланиб, жангариларнинг иккиси ҳам йўқ қилинган. Ҳинд ҳарбий формасида базага кириб борган икки жангари тўсатдан ҳарбийларга қарата ўқ ота бошлаганлар. Икки ўртада юз берган тўқнашувда жангариларнинг ўзлари ҳам ўлдирилганлар. Ундан бир неча соат олдин эса Кашмирнинг Катра шаҳри яқинида юз берган портлаш туфайли ҳам ҳиндистонликлардан 7 нафари ҳалок бўлиб, 20 дан ортиғи яраланган эди. Гарчи Деҳли – Исломобод муносабатлари сўнгги пайтларда сиёсий жиҳатдан яхшиланган бўлса-да, можароли ҳудуд саналган Кашмирда бегуноҳ кишилар ҳаётдан кўз юммоқдалар.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 1996 йил 24 июлда рўйхатга олинган "Тантьема" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

# ХОРАЗМГА БОРИБ ХИВОНИ КЎРДИМ...

(Боши 1-бетда)

-Узбекистан во! – дейди у бошмалдоғини ҳавога ниқтаб. – Хива жуда зўр, - дея илова ҳам қилиб қўяди.

Қаранг-а, олис кунчиқар мамлакатдан келган меҳмон менинг юртимни чин дилдан мақтаяпти. Шунақа пайтда ич-ичингдан ғурурланиб кетарканса киши.

Рикки билан Ичанқалъанинг қатор обидаларини биргалашиб томоша қилдик. Ниҳоят Исломхўжа минорасига ҳам яқинлашдик. Бу муаззам иншоот Хива хонлигининг маърифатпарвар, етук давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон Соний – Ферузнинг бош вазири Исломхўжа томонидан 1908-1910 йилларда бунёд этилган.

Шунча йўл босиб Хиваи азимга келсагу унинг энг баланд минораси устига чиқмай кетсак, кўнглимизда армон бўлиб қолмасин, дедиг-у бу истагимиз ижросига киришдик.

Минорага кираверишдаги опага киши бошига икки юз сўмдан тўлаб, (тўғри-да, юқорига кўтарилиш учун ҳам пул керак!) айланма зиналар бўйлаб юқорилай бошладик.

Шунақа пайтларда ота-боболаримизнинг куч-ғайратига тан бергинг келади. Ҳар куни шу зинапоядан муаззинлар кунига беш маҳал минора тепасига чиқиб тушишган. Биз бўлсак ҳали йигирмата поғонани босиб ўтмай, ҳансираб қолдик. Бунинг устига минора ичкариси қоп-қоронғу, дим... Биз билан бирга кўтарилаётганларнинг кўпчилиги ярим йўлдан орқага қайтиб кетишди. Охирида япон танишим билан иккимиз қолдик. Жуда ҳаракатчан, тутган еридан кесадиганга ўхшайди хумпар. Поғонама-поғона пилдираб чиқиб келишини қаранг. Ўзиям юз эллик зина юрдикми, ундан кўпроқми, тўғриси, ҳисобдан ҳам адашиб кетдим.

...Минора тепасига ҳам чиқдик. Балки... чиқмаганимиз маъқулмиди? Негаки, бир пайтлар аждодларимиз аҳли мўъминни намозга чорлаш учун беш бора азон ўқиган мўътабар осори атиқанинг энг тепасида... қошли-кўзли икки ўзбек йигит ва қиз зарпечакдек чирмашиб, бир-бирларига эҳтиросли бўсалар ҳадя этиш билан банд эдилар. Шўрлик япон ошнам ҳам ноқулай вазиятнинг устидан чиқиб қолгани учунми ўнғайсизланиб менга қаради. Мен нима ҳам дердим. Муҳаббат жой танламайди дейинми? Ёки биз ўзбекларда минора тепасига чиқиб ўпишиш севишганлар учун одат тусига кирган десамми?

Хуллас, нима дейишни билмай каловланиб турган пайтимда ошиқу маъшуқа ширин лаҳзаларнинг расвосини чиқарган икки "дардисар"га норози нигоҳ ташлаганча пастга тушиб кетишди.

Минора пештоқини томоша қилган киши бўлиб айлана шифтга кўз қададим. Эҳ-ҳе, Ичанқалъага зиёратга келувчилар орасида тарихда "ном" қолдиришни истовчилар ҳам кўпга ўхшайди. Пештоқда бир қарич ҳам бўш жой қолмабди. Исм-шарифлару севги формулалари тўлиб-тошибди-ку!

Наҳотки она диёримизнинг бебаҳо осори атиқаларига бугунги авлод шу тахлит муносабатда бўлса? Буюк аждодларимиз яратиб қолдирган бой маданий меросни авайлаб-асраш, эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эмасми?

...Узр, мавзудан умуман чалғиб кетибмиз. Аслида Хива таассуротларини сиз билан баҳам кўрмоқчи эдик. Майли, бу ҳақда кейинроқ батафсил суҳбатлашармиз.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



(Боши 1-бетда)

Ўтган ўқув йилида жами 330 нафар ўқувчилар таълим олишди. Уларга умумий таълим фанлари йўналишида 22 нафар мураббий, 13 нафар муҳандис-педагог сабоқ беришади.

-Ёш авлодни соғлом фикрли, юксак маънавиятли, билимли қилиб тарбиялаш жамоамизнинг асосий вазифаси, - дейди коллеж директори Ҳусан Соҳибов. –Коллежимиз махсус компьютер мутахассислари тайёрлашга ихтисослашганлиги учун компьютер синфхоналари сонини кўпайтирмоқчимиз. Қўшни туманлар, узоқ қишлоқлардан келиб таҳсил олаётган талабаларни жой билан таъминлаш мақсадида 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона қурилишини бошлаб юбордик. Янги ўқув йилида ётоқхона, спорт залларини ишга туширишни режалаштирганмиз.

# ЗАМОН ТАЛАБИ – БОШ МЕЗОН

Бугунги кун ёшларини мустақил фикрлашга ўргатишни, уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришни талаб этмоқда. Шу боис коллежда янги педагогик усуллар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш жорий қилинган. Жумладан, физика, химия лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Компьютер, лингофон хоналари доимо талабалар хизматида. Шунингдек, талабалар учун кутубхона ўқув зали ҳам фаолият кўрсатаяпти. Кутубхона жавонида 2876 та зарур адабиётлар мавжуд. Яқинда ўтказилган марафонда эса ота-оналар томонидан 441 минг сўмлик бадиий адабиётлар олиниб, кутубхона фонди янада бойитилди.



Бундан ташқари, коллеж жамоаси талабалар олдига аниқ вазифаларни қўйиш, ҳар бир дарс соатининг самарадорлигига эришиш мақсадида амалиёт машғулотларини қўшиб олиб боришмоқда. Бу, албатта, ўзининг ижобий самарасини бермай қолмаяпти. Бу каби ишлар эртанги келажагимиз – ёшларнинг камолини кўзлаб қилинаяпти. Зеро, эртасини ўйлаган ҳар қандай давлат ёш авлоднинг таълим-тарбиясига бефарқ қарай олмайди. Шу маънода бугун замонавий коллежларда таълим олаётган ёшлар эртага эл-юрт равнақи йўлида бор билим ва малакасини ишга солиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ**

СУРАТЛАРДА: коллежнинг кўринишидан лавҳалар.

# КЎНИКИШ

***Умрзоқ яна хотинининг дийдиёсидан бетоқат бўла бошлади.***

-Етим бузоқ асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлур, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлур, дегани шу-да! Улармиди бирров чиқиб ердан хабар олса... Ўлай деб эккансиз картошкани! Қаранг, сувнинг ичида қолиб кетибди. Яна Холмат ноннинг гулини есин, дейсиз...

-Ўчирасанми,йўқми, овозингни?!

-Нега ўчирарканман?! Болаларимнинг ризқидан қийиб, шу етимчани едираман, кийдираман. У бўлса, эртадан-кечгача оёғини осмондан қилиб ухлашдан бошқа нарсани билмайди.

Умрзоқ хотинининг гапига қарши боролмади. "Бор, овқатингга қара", деди-да ҳовли биқинидаги укаси Холматнинг тўрт девору бир эшикдан иборат ҳужрасига йўл олди.

Ота-оналари кетма-кет қазо қилишгач, Умрзоқ икки синглиси ва бир укасига бош бўлди. Сингилларини амаллаб узатди. Укаси Холмат эса энди мактаб ёшига етганди.

Орадан, мана, ўн йил ўтибди. Ўн йилки, ҳар куни уйида шу, Холмат туфайли ғидибиди, жанжал. Негадир Холматни хотинининг жини суймайди. Умрзоқ "У менинг жигарим. Жағингни ёп", деб хотинини уриб ҳам, сўкиб ҳам кўрди. Кор қилмади. Ўртада тўрт бола бор, ажрашай деса. Бора-бора Умрзоқ хотинининг вайсашларига кўникди. Ўзи тонг саҳардан кечгача ишда бўлар, Холматнинг

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

кўпинча ошсиз, нонсиз қолаётгани, кийимлари юпунлигини билар, аммо нолиож бу нарсани билмасликка, кўрмасликка оларди.

-Холмат ҳам баъзилардай оёқ-қўли чаққон, уддабуронмас, ичимдагини топ, дейдиганлардан. Шуниси ҳам маъқулдир, деб ўйлаб қўйди Умрзоқ.

Холматнинг хонасига кирганида у чиндан ҳам хотини айтмоқчи, узала тушиб ётганди. "Ҳозир бир таъзирини бермасамми, бу дангасанинг", дея Умрзоқ укасини тепди. Холмат сакраб ўрнидан турдида, ҳужра бурчагига бориб, қўллари билан бошини тўсганча букчайиб ўтириб олди. Укасининг озғин қўллари, пахмоқ сочларига қараб Умрзоқнинг ичидан қиринди ўтди.

-Қанақа йигитсан? Бекор ётгандан кўра ишласанг, ўласанми? – деди-да, негадир алами келди. Алам, ачиниш, раҳм жазавасини қўзитди. Онгсиз равишда шу жазава билан Холматни яна тепкилади. Кейин овоз ҳам чиқармай ғужанак бўлиб ўтирган укасига қараб онги тиниқлашди.

"Бу бечорада нима айб?" – шу ўй билан ҳужрадан чиқиб кетди.

Туни билан ухлолмади. Тонгда яна укасининг ҳужрасига кирди. Лекин Холмат йўқ эди. Уни тополмадилар. Қишлоқда эса Холмат кетиб қолибди, деган гап-сўз тарқалди.

Шу-шу, акага уканинг тақдири номаълумлигича қолди. Умрзоқ негадир бунга осон кўникди. Тўғри, баъзан "Қаерда юрибди экан? Аҳволи қандай?", дея ўйлаб қўярди. Аммо жағи тинган хотини, болаларини кўриб, бу ўйлар ҳам унутиларди.

Холмат эса бу пайтда узоқ шаҳарда тайинли бир бошпанасиз, бозорларда ҳаммоллик қилиб, ўз кунини ўзи кўриб юрарди. Йигит ҳам ақлини танибдики, бундай бемақсад, бефайз ҳаётга кўникканди.

**А.МАМАТҚУЛОВ,**
**Жиззах вилояти.**



**Ўзбекистон туманида "Онам, мен ва укам" ҳамда "Оилам ва мен" мавзуларида спорт тадбирлари бўлиб ўтди. 7 ёшдан 14 ёшгача болалар ўртасида Авазхон Деҳқонов, Элдор Жалиловлар (суратда) каратэ бўйича маҳалла ва туманда ғолиблик шоҳсупасига чикдилар.**

**СУРАТДА: "Овчи" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р.Муродов ёш каратэчилар Э.Жалилов, А.Деҳқоновлар билан суҳбатлашмоқда.**

**Х.АРАББОЕВ олган сурат.**

# SPORT OLAMIDA

## ОМАД ЁР БЎЛСИН

***Ўтган йили каратэ бўйича Германияда ташкиллаштирилган жаҳон кубоги баҳслари мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига омад келтирганди.***

Чунки ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз фахрли учинчи ўринни қўлга киритишганди. Айни кунларда Грецияда каратэ бўйича жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Куни кеча Тошкентдан Афинага жўнаб кетган 18 нафар каратэчиларимиз ушбу нуфузли турнирда фақат совринли ўринларни эгаллашга аҳд қилишган. 25 июлга қадар давом этадиган ушбу баҳсларда ҳамюртларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

## КЎРГАЗМА

***Урганч шаҳар биржа савдо уйида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт кийимлари ва анжомларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Унда "Ўзбекенгилсаноат" Давлат акциядорлик компаниясига қарашли 21 та корхонанинг 700 дан зиёд турдаги маҳсулотлари намойиш этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Шайхонтоҳуртекстил", "Феруз", "Гурлантекс", "Тонг", "Юлдуз", "Ғунча", "Санам", "Қаршитекс" ҳиссадорлик жамиятлари, Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси томонидан тақдим этилган спорт кийимлари кўпчиликка манзур бўлди.

## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

***Бир вақтлар Бангладешнинг "Мохабладеш" клубида тўп сурган ўзбек футболининг ёрқин юлдузларидан бири Азамат Абдураимовнинг изини "Андижон" жамоаси футболчиси Фарид Хабибулин босадиган кўринади.***

Чунки жорий йилги мавсумнинг биринчи даври якунланиши билан Фарид Бангладешга йўл олди. Ҳозирда у "Мохабладеш" клуби мураббийлари кўригидан ўтмоқда. Дарвоқе, яна бир футболчи Даврон Тўрабековнинг ҳам нияти "Мохабладеш" клуби сафида ўйнаш.

## МУРАББИЙЛАР АЛМАШДИ

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ҳозирда биринчи давра оралиғида таътилда бўлишларига қарамай, ўзаро ўртоқлик учрашувларида иштирок этишяпти.***

Яқинда пойтахтимиз жамоаси "Трактор" Чирчиқнинг "Кимёгар" клуби футболчиларига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказди. Дарвоқе, биринчи даврани анча муваффақиятсиз якунлаган "Трактор"чилар мураббийлари таркибида ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Эндиликда жамоани собиқ "пахтакор"чи Сергей Доценко Вадим Абрамов билан биргаликда бошқаради. Шу кунгача "Трактор"га бош мураббийлик қилган Вячеслав Томилин дарвозабонлар билан иш олиб боради.

## САМАРҚАНДЛИКЛАР ЯНГИОБОДДА

***Айни кунларда иккинчи даврага қизғин ҳозирлик кўраётган "Самарқанд-Динамо" жамоаси ўқув машғулот йиғинларини Янгиободда ўтказаяпти.***

Қизиғи шундаки, иккинчи даврадан самарқандликлар жамоасига ўзбек футболининг юлдузи Биродар Абдураимов бош мураббийлик қилади. Абдураимовга эса "Пахтакор"нинг собиқ мураббийларидан бири Виктор Макаров ёрдамлашади.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

***Осиё футбол конфедерацияси ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилишида 9-17, 14-20 ёшли терма жамоалар иштирокида ўтадиган Осиё чемпионатига қуръа ташланди.***

Шуниси қизиқки, қуръа ташлаш маросимига кўра ҳар икки ёшдаги терма жамоаларимиз Шри Ланка ҳамда Бутан терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олишган.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## БИЛАСИЗМИ?

### АГАР ТУШИНГИЗДА...

Қайиқда юрсангиз – сафарга чиқасиз.

Музёрар кема кўрсангиз – нохуш хабар эшитасиз.

Ботқоққа дуч келсангиз – ишингизда ўнғайсизлик юз беради.

Ёмғир ёғса – кўнгилсизлик юз беради.

Қор босиб юрсангиз – яхши хабар эшитасиз.

Қорга қуласангиз – севгилингиздан узоқлашасиз.

Соқол олсангиз – душманингиз билан юзма-юз келасиз.

Соқолингиз қалин, қора бўлиб кўринса – бойлик келади.

Соқолли чолни кўрсангиз – фойдали панд-насиҳат эшитишингиз мумкин.

Қалин соч кўрсангиз – бойлик нишонаси.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир, ёзувчи, драматург, таржимон ва журналист, газетамизнинг фаол муаллифи

**Машраб БОБОЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли "Шифобахш" ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси бошқарма бош директори Маъмур Аллаяровга онаси

**ҲИДОЯТ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# САБЗИ ТЎҒРАР

**ҲИКОЯ**

**Носир ФОЗИЛОВ**

(Боши ўтган сонда)

-Диссертация ёзилиб бўлингач, ўша ишнинг мазмуни бир ёки икки босма табоқ ҳажмида чоп эттирилади. Ҳамма ҳам сизнинг беш юз бетлик қўлёзмангизни ўқиб ўтирмайди, ўша қисқа рефератингиз орқали танишади.

-Э, уми? Эрта-индин чиқиб қолади.

"Буни қаранг-а, - деб ўйладим астойдил ғашим келиб. – Реферат эрта-индин чиқармиш-да, уни индинига ҳимоя қилармиш!"

Шундан кейин гапларимиз сал қовушмай қолди. Мени у ўз ёлғонига "қаттиқ ишонтирганидан" хурсанд бўлиб уйига кетди. Мен ҳам ичимда тўла истеҳзо билан уйга кирдим. Негадир қўлим ишга бормас, ҳалиги гаплар хаёлимда болалаб, алам қила бошлаган эди. Бирдан калламга: "Бир боплаб таъзирини бериб қўймайманми?" деган фикр келди. Кўп ўйлаб ўтирмай шартта ёзув машинкамга ўтирдим-да, ҳовлимизга қарашли олтинчи домда яшайдиган таниш-билишларнинг рўйхатини қила бошладим. У ёқ-бу ёғи билан икки юзтача одам бўлди. Сўнг ўша рўйхатни кўтариб найчиникига йўл олдим. Чиқсам, овқатланиб бўлиб диванга ёнбошлаб, бир чойнак кўк чойни майдалаб, телевизор кўраётган экан.

-Э, келинг қўшни, - дея ўрнидан туриб мулозамат қилмоқчи бўлди. Мен чаққон бориб унинг елкасидан босдим.

-Ий-й, қўзғалмасинлар, эрта-индин диссертация ҳимоя қиладиган одамсиз, уриниб қоласиз.

У ўрнига қайта ёнбошлаб, "Отангга раҳмат, тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди", дегандай қараш қилди. Қўлимдаги қоғозга ҳам бир қур кўз ташлаб олди.

-Янгамлар кўринмайдиларми?

-Ошхонада, - деди қўлимдаги қоғозга яна бир бор тикилиб. – Болалар нариги уйда дарс қилишяпти.

Тугал ахборот бераётганидан, "Ёлғизмиз, гапинг бўлса гапиравер", деяпти шекилли деб ўйлаб, мен даромад қила бошладим:

-Ғиёс ака, ўзбекларда яхши бир одат бор. Яқин кишиси тўй бошласа, қўни-қўшнилари, дўст-ёрларию қариндошлари: "Бизга нима хизмат бор?" – деб қамишдан бел боғлаб тайёр туришади. Сиз билан биз Академиклар шаҳарчасида, мана шу уйда яшаётганимизга ўн йилдан ошди. Минг марта шукрким, "сиз" тилимиз "сен"га айлангани йўқ. Қариндошдан ҳам аъло ака-ука бўлиб кетдик. Тўғрими?

-Жуда тўғри!

-Мана, худо хоҳласа, бирор ҳафтанинг нари-берисида ҳимоянгиз бўлар экан. Ҳозир ҳимоя қилиш ҳам бамисоли фарзанд тўйидек катта тўй ҳисобланади. Тўғрими?

-Тўғри.

-Бунга етган ҳам бор, етмаган ҳам бор, ака. – Мен унга кўз қиримни ташладим. У энди ўрнидан туриб ўтирган эди. – Шу денг, боя бу яхши гапни ўз оғзингиздан эшитиб, бошим кўкка етди, ака. Индамай қараб туришни ўзимга эп кўрмадим. Тўйчиликда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Тўғрими?

-Тўғри... – Бу гал у сал бўшашиброқ жавоб берди.

-Шунга маҳалламиздаги таниш-билишларимизнинг рўйхатини қилиб киргандим, мана. – Қўлимдаги қоғозни аста унга узатдим. – Энди ака, идорадагиларингизни, яқин-йироқдаги қавм-қариндошларингизни билмадим, уларни ўзингиз рўйхат қиларсиз ё бу ишни бирон биладиган одамга топширарсиз. Ҳозирча маҳаллада мен биладиганлар икки юзтача бўлди... Нима қиламиз? Ё эртага ўзимизнинг домдагиларни шу ерга тўплаб, маслаҳатлашиб оламизми? Майли, маслаҳатлашсак маслаҳатлашаверамиз-у аммо, менингча тўйни ҳовлида қилгандан "Зарафшон"да қилган яхши, ака. Ресторанга боришдан аввал ўша куни эрталаб ҳовлида уч-тўрт юз одамга ош берамиз. Ҳа, ундан кейин кечқурун ресторан. Ресторанннинг шуниси яхши – уринмайсиз. Ўзлари хизмат қилишади. Одам бошига ўрта ҳисобда тўрт-беш минг сўмдан ҳисобласак... хўш, тахминан уч юз, тўрт юз одам келди дейлик. Ҳа энди, нари-бериси билан ниҳояти бир-бир ярим, икки миллион сўм атрофида бўлар экан. Нима деган гап бу? За то, қанча-қанча обрў! А, лаббай?

-...

Қарасам найчининг рангида ранг қолмабди, қўлидаги рўйхат дир-дир титрайди, кўзлари ҳам аллақандай маъносиз... Буни кўриб ўзим ҳам чўчий дедим. Гапни юмалоқ-ястиқ қилиб қўя қолдим:

-Вой Ғиёс акажон-ей, имтиҳон оламан деб роса чарчабсиз-да, - дедим ғамхўрлик қилиб. – Бунақада бўлмайди, узилиб қоласиз, ака. Ўзингизни кўпам қийнайверманг, эҳтиёт қилинг. Ҳозирги студентлар ҳам жуда шўх бўлиб кетишган-да. Савол бераверib домла бечоранинг тинка-мадорини қуритиб юборишади.

Ғиёс найчи бу гапларга ҳам ҳеч қандай муносабат билдирмади. Ҳатто кўнгил учун бир пиёла чой ҳам тутмади. Қарасам, бўлмайдиган, аста ўрнимдан турдим.

-Майли ака, сиз яхшилаб дам олинг, қолган гапларни эртага бешолтита бўлиб гаплашармиз. Э, мунча шалваясиз? Қўрқманг ака, мана биз бормиз. Ҳаммаси жойида бўлади. Ҳозирча хайр, - деб эшикни аста ёпиб чиқиб кетдим. У чурқ этмаганича қолаверди. Шу чурқ этмаганича диссертация, ҳимоя, домлалик ҳақида ҳанузгача чурқ этмайди. Мен ҳам бу гапларни кейинчалик ковлаштириб, эсига солиб ўтирмадим. Шу-шу у мен билан эҳтиёт бўлиброқ гаплашадиган бўлиб қолган.

Ҳангома асносида стол теварагига анча одам тўпланиб қолган, ҳаммалари қиқир-қиқир кулишар, Аброр домла эса, тўғралган пиёз аччиғидан кўзлари ёшланиб, жилмайиб ўтирар эди. Бироздан кейин аста мийиғида кулиб, гапириб қолди.

-Бу дейман, Саиджон, қўшнингиз бечорани тоза ўрганибсизлар-да, а?

–Бўлмасам-чи, домла. Ахир у киши билан шу домда ўн йилдан бери бирга яшаймиз-да, - деди кулиб Саиджон. У ниманидир ўйлаб, бироз сукут қилди. Сўнг кулгичлари ўйнаб гапида давом этди: - Рухсатингиз билан мен ҳам башорат қилайми, домла? Мана, кўриб турарсиз: найчи ҳозир бозордан қайтиб келяпти. Сал ўтмай кўча бошидан машинасининг сигнали эшитилади. Машинасининг сигналини бу ҳовлида билмайдиган одам йўқ. Худди эгасининг овозига ўхшаб хаста. Хўш, ундан кейин тўғри мана шу йўлкадан ўтади. Ваҳоланки, домнинг орқасидан айланиб ўтса ҳам бўлади. Йўлкага нима учун сув сепилгани, тўй бўлаётгани, одамлар олдида одоб сақлаш лозимлиги ҳақида-ку, ўйлаб ҳам ўтирмайди. Тўғри ўтади-да, машинасининг тумшуғини гаражга тўғрилаб, савлат тўкиб тушади. Сўнг хотинини чақиради ва ҳоказо... Ана, домла, агар менинг шу башоратим нотўғри чиқса, бояги "тоза ўрганибсизлар-да, а?" деган гапингизни қайтиб оласиз.

Саиджонни авлиё деса ҳам бўлар экан. У гапини тугатиши билан кўча бошида машинанинг хаста сигнали эшитилди.

-Ана, домла, келяпти. Бир кузатинг-а!

Ҳамма нафасини ичига ютиб, кузата бошлади. Буни қарангки, унинг ҳамма ҳаракати Саиджоннинг башорати бўйича юз берди. Одамлар ҳайрон. Ие, ана, Саиджоннинг башорати охири жиндек бузилди: найчи машинадан савлат тўкиб тушгач, хотинини эмас, аввал ўғлини чақирди:

-Отабек!!!

Ўғлининг бўйи анча чўзилиб, капкатта йигит бўлиб қолган эди. Сал ўтмай эгнига кўк спорт костюми кийиб олган Отабек чиқиб келди.

-Нима, дада?

-Э, йўқ, ойингни чақир, сен кўтаролмайсан, - деди найчи товушини бир баҳя кўтариб. Унинг бақириб-чақирганини шу атрофдаги ҳамма эшитиб турар эди. Ўғли ҳеч нарсага тушунмай елкасини қисди-да, уйга кириб кетди. – Тезроқ, имиллама!

Хосият янга чиқди. Найчи машинасининг багажини очиб, иккита ўртамиёна қовун олди-да, хотинига тутқазди. Қовунлар жа келса уч килодан олти кило келар, Отабек эса бунақа юкдан уч-тўрт баравар оғирини ҳам бемалол кўтара олар эди.

Саиджон "қалай?" дегандай Аброр домлага қаради. Домла ҳадеганда муносабат билдиравермагач, у найчи томонга яна бир бор назар ташлади. "Ҳа, немисский кастонингга полшинский бронзанинг ёғи тегиб расво бўлгур!" деди ичида истеҳзо билан. Домла ҳам кўп куттирмай ёрилди:

-Кўзимизни бақрайтириб туриб алдади-я, - деди у ич-ичидан кулиб. – Вазирликда ишларкан. Тағин ҳалигиндақа, элликни юз қилиб кўпиртириб ёзадиганлардан бўлмасин.

-Кўпам ваҳима қилаверманг, домлажон, - Саиджон дарҳол гап тизгинини илиб кетди. – Бу одам ниҳояти алдаса ўз оиласини, маҳалласини алдади. Давлатни алдагани йўқ-ку.

-Тўғри айтасиз, Саиджон, - домла ҳам бўш келмади. – Ҳар қандай давлат оиладан, маҳалладан бошланади. Бу одам бугун ўз оиласига, маҳалласига олти кило қовунни йигирма кило қилиб кўрсатса, Эртага одамларни давлат миқёсида алдамаслигига ким кафолат бера олади?

Уларнинг бу даҳанаки, ярим ҳазил жангини атрофдагилар бутун жисми қулоққа айланиб тинглашар, қиқир-қиқир кулишар, ора-чорада "Ҳа домла, бўш келманг!", "Саиджон, олаверинг..." деб уларга пишанг бериб туришар эди.

-Домлажон, ташвиш тортманг, - деди ниҳоят жиддий тортиб Саиджон. – Бу одам шунчаки ўзини хурсанд қилиб юрадиган маҳаллий кўзбўямачилардан. Шундан ўзга ғарази йўқ.

-Ҳа-ҳа.

-Сиз айтаётган давлат миқёсидаги кўзбўямачилар фақат ўз балои нафсларини ўйлайдиган карнайчилардир... – Саиджон домласига ғолибона тикилди. – Бу ким бўпти уларнинг олдида? Бу фақат Таъминот вазирлигининг кичкинагина бир бўлимида амал-тақал қилиб юрган чўт қоқар, холос! Маҳаллий тил билан айтганда оддий бир найчи.

Ўтирганлар ҳаяжонларини яшира олмай қийқиришиб, патир-путур чапак чалиб юборишди. Саиджоннинг бу гапидан домла ҳам хурсанд бўлиб, пастга қараб бошини сарак-сарак қилиб, мириқиб кулди. Сўнг дафъатан сўраб қолди:

-Нега бу одамни найчи дейсизлар-а? Ростдан ҳам най чаладими?

-Қани айтинг-чи, домла. Най чалиш учун нималар керак бўлади?

-Санъат, ҳунар...

-Яна?

-Яна? Билмадим...

-Ўпка, домлажон, ўпка керак бўлади, - деди Саиджон таъкидлаб. – Бу одамнинг 50 фоизи ўпка-ку. Шундоқ бўлгандан кейин найчи бўлади-да, домлажон.

Домла тағин бошини сарак-сарак қилиб, пастга қараб кулди. Ўзича найчи билан Саиджон айтган карнайчини қиёс қилиб кўрди: "Найчининг 50 фоизи ўпка бўлса, унда карнайчиларнинг оёғининг тирноғидан то қулоғигача ўпка экан-да!.."

Стол атрофидагилар маза қилиб кулишар, балкондаги карнайдан таралаётган шўх куй уларнинг гап-сўзларини тиниқ эшиттирмас, ҳамма хурсанд, хуллас, тўй кайфияти ҳукмронлик қила бошлаган эди...

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: М.АКРАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz